

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИЗОВ ЭЛБЕК УСМОНЖОНОВИЧ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ,  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Азизов Элбек Усмонжонович**

Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш  
механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Азизов Элбек Усмонжонович**

Совершенствование механизма обеспечения исполнения законов в  
органах внутренних дел..... 23

**Azizov Elbek Usmonjonovich**

Improving the provision of the mechanism for the execution of laws in  
the internal affairs bodies ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИЗОВ ЭЛБЕК УСМОНЖОНОВИЧ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ,  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Yu237 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://akadmvd.uz/oz/ads/elon-11-02-2022>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ганиев Шерзод Алишерович</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маматов Худоёр Тешаевич</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Турғунов Ойбек Каримович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси</b> <b>Божхона институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 26 февраль куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1176-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2022 йил 14 февраль куни тарқатилди.

(2022 йил 14 февралдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

  
**А.С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**М.З. Зиёдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш қонунлар ижросини самарали таъминлашни тақозо этади. Қонунлар жамият ҳаётига реал таътиқ этилганда, бевосита қонунчилик ҳокимияти ва умуман халқнинг иродаси рўёбга чиқади, шунингдек қонунларни қабул қилишдан кўзланган мақсадга эришилади.

Жаҳонда қонунлар ижросини самарали таъминлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий, кадрлар ва моддий-техникавий муаммоларни тадқиқ этишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада ҳар бир мамлакат полицияси (ички ишлар органлари ёки милиция) ўз фаолиятида Конституция ва қонун устуворлигини, қонунлар ижроси бўйича очиқлик ва шаффофликни, жамоатчилик назоратини, фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)ни таъминлаш, шунингдек, мамлакат аҳолисининг, қолаверса полиция (ички ишлар органлари ёки милиция) ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлиги принципларига қатъий риоя этиш, қонунлар ижросини самарали таъминлаш билан боғлиқ масалалар устувор вазифа бўлиб, ички ишлар органлари томонидан қонунлар ижросини таъминлаш бугунги мураккаб ва шу билан биргалликда демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель), «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6166-сон (2021 йил 10 февраль), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б.107.

хужжатларнинг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар:

*биринчидан*, ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда тизимда қонунлар ижросини таъминлаш механизмларига оид концептуал ва стратегик ғоялар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларида ёритиб берилган;

*иккинчидан*, мамлакатимизда ҳуқуқшунос олимлар: Х.Р. Алимов, М.А. Ахмедшаева, Ш.Н. Бердияров, Ҳ.Б. Бобоев, М.З. Зиёдуллаев, З.М. Исломов, И. Исмаилов, Х.Т. Маматов, Ў.Х. Мухамедов, М.К. Нажимов, Х.Т. Одилқориев, Ҳ.Р. Раҳмонкулов, Х.И. Рузметов, С.Т. Ахмедова, С.М. Селиманова, И.Т. Тультеев, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, Э.Т. Хожиев, О.З. Хусанов, М.М. Файзиев, Дж.Х. Юлдашев ва Э.Ш. Ҳайитовлар томонидан олиб борилган давлат бошқарув органлари, хусусан ички ишлар органлари бошқарув фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, ҳуқуқни амалга ошириш, юридик техника, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда юридик жавобгарликка оид тадқиқотларда умумий жиҳатлари ўрганилган;

*учинчидан*, ҳуқуқни амалга ошириш механизми, ҳуқуқий мониторинг, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги давлат бошқарувига оид назарий-ҳуқуқий муаммоларни С.С. Алексеев, Ю.Г. Арзамасов, А.В. Быков, Я.Л. Ванюшин, М.Е. Глазкова, В.И. Гойман, Д.Б. Горохов, Г. Грег, Т.А. Желдыбина, Ю.А. Израэл, В.П. Казимирчук, Л.Ф. Кваша, Н.Ф. Кузнецова, В.В. Лазарев, М.А. Латушкин, Р.З. Лившиц, В.В. Лунеева, А.Н. Мещеряков, В.С. Нерсисянц, Е.Ю. Рюден, Е.И. Спектор, Ю.А. Тихомиров, Т.Ю. Фалькина, П. Харри ва В.С. Шаронов каби чет эллик олимлар томонидан монографик даражада тадқиқ этилган. Ушбу олимларнинг айримлари қонунлар ижросини таъминлашнинг баъзи элементларига оид назарий-ҳуқуқий муаммони тегишли давлатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўрганган бўлсалар, бошқалари мазкур муаммони ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар.

Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш (А.Қ. Худойбердиев 2020 й. DSc.), қонунларни амалга ошириш механизми (А.Э. Имамов 2004 й. номзодлик), ҳуқуқий нормаларнинг амалга ошириш муаммолари (Б.Ж. Янгибоев 2004 й. номзодлик), қонунчилик тизимини такомиллаштириш муаммолари (Х.Х. Адилкариев 2005 й. номзодлик), юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш муаммолари (О.З. Шодидулов 2011 й. номзодлик), ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини

таъминлашдаги роли ва вазифалари (Н.Б. Шойимов 2007 й. номзодлик) мавзуларига оид диссертациявий тадқиқот ишлари ўтказилган\*.

Бироқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар натижаларини, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда хориж давлатларининг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид муаммолар махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот режасига киритилган ва «Ички ишлар органларининг бошқарув, ахборот-таҳлил ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид илмий-назарий материалларни ўрганиш, ушбу соҳага оид муаммоларни аниқлаш ва умумлаштириш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таснифлаш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросининг ҳуқуқий мониторингининг аҳамиятини белгиловчи жиҳатларини таҳлил қилиш ва илмий натижаларни асослаш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини ташкилий таъминлашнинг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш, унинг асосий хусусиятлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини асослаш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини ҳуқуқий таъминлашнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини асослаш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишдаги муаммо ҳамда камчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни аниқлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ички ишлар органлари тизимида татбиқ этиш юзасидан тавсияларни асослантириш;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, улар бўйича илмий асосланган тавсиялар ва таклифларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** ички ишлар органларининг қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот предметини** қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид илмий-назарий қарашлар, мавзуга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий

---

\*Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тажрибалар, шунингдек ички ишлар органларининг бу соҳадаги фаолияти ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамоатчилик мониторинги ва ички ишлар органларининг ҳисобдорлиги тизимда қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизми эканлиги асосланган;

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини, шунингдек барча ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали Ички ишлар вазирлигининг Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш қонунлар ижросининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган;

қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг асосий омили сифатида тизим учун «Ташкилий-штаб фаолияти» ихтисослиги йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурати исботланган;

ҳуқуқий мониторинг ИИВ Ташкилий департаментининг асосий фаолият йўналиши сифатида ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизми эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

«қонунларни ижро этиш», «қонунлар ижросини таъминлаш механизми» тушунчаларининг муаллифлик таърифлари, шунингдек илмий ёндашувлар асосида ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш модели ишлаб чиқилиб муомилага киритилган;

ички ишлар органларида қонунлар ижросини самарали ҳуқуқий тартибга солиш, хусусан қонунлар ижросини ташкилий-тактик, назорат, моддий-техник, кадрлар билан таъминлаш ва замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш механизмларини назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат хизматчилари фаолиятини тўлиқ тартибга солиш, қонунларни ижро этиш фаолиятида очиклик ва шаффофлик ҳамда ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)ни таъминлаш, коррупцияга қарши кураш ва уни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш, шунингдек ижро органининг фаолиятини оптималлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

олинган илмий натижалар асосида тайёрланган «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш: назарий-ҳуқуқий жиҳатлари» номли монография<sup>2</sup>, «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш» каби

---

<sup>2</sup>Азизов Э.У. Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш: назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 150 б.



ўқув қўлланма<sup>3</sup> ички ишлар органларининг қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукамаллаштирган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклифлардан, жумладан 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ташкилий-штаб фаолияти» йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, фан дастурлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 150 нафар ички ишлар органларида қонунлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари, 200 нафар туман, шаҳар ИИБ соҳавий хизматлари раҳбарлари ва ижрочилар, шунингдек 50 та соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган сўровлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асослантирилган.

Хулосалар тадқиқотнинг мақсади ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид муаллифнинг қарашлари, таклифлари, ўтказилган сўров натижалари таҳлили, статистик маълумотларни умумлаштиришга таяниб ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид концептуал ва назарий-методолик қарашларни бойитишда, қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш бўйича дастурлар, режалар, регламентлар, йўл-хариталари ва бошқа расмий нашрларни ишлаб чиқишда, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Ички ишлар органларида бошқарув назарияси», «Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари», «Ташкилий-штаб фаолияти» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, шунингдек мазкур йўналишда янги илмий изланишларни олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник ва кадрларга оид механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, чора-тадбирлар дастури, шунингдек маъмурий регламентларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

жамоатчилик мониторинги ва фуқаролар йиғини олдида ички ишлар органларининг ҳисобдорлиги ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг

---

<sup>3</sup>Азизов Э.У. Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор И.Исмаилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 122 б.

2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон қонунининг 11 ва 14-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 05/1-01-20-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижросини самарали ташкил этишга, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини яратиш, шунингдек ички ишлар органларининг барча ахборот тизимларини интеграция қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратишга доир таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарорининг 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 23 сентябрдаги 6/1752-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ички ишлар органлари фаолиятига рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш орқали тизимда қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг асосий омили сифатида тизим учун «Ташкилий-штаб фаолияти» ихтисослиги йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхати»нинг 1-қисми 7-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 23 сентябрдаги 6/1752-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти учун мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллашувига хизмат қилган;

ҳуқуқий мониторингни ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилаш ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 7 сентябрдаги 244-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти тўғрисида»ги низомнинг 8-банди ишлаб чиқилишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 10 февралдаги 6/254-сон далолатномаси*). Мазкур таклифлар тизимда қонунлар ижросини таъминлаш жараёнида қонунларнинг ишламаётган нормаларини аниқлаш, уларнинг сабабларини

ўрганиш ва қонунчиликка ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиб боришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 5 та халқаро, 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, тадқиқотнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда 5 та, халқаро журналларда 3 та ва илмий анжуманларда 11 та нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг назарий жиҳатлари**»га бағишланган бўлиб, унда қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг назарий таҳлили, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашда ҳуқуқий мониторингнинг аҳамияти ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида батафсил ёритилган.

Тадқиқот ишида қонунлар инсон, жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутиши, жамият томонидан яратилган олий кадрият ҳисобланиши, бенуқсон амал қилиши қонунларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини белгилаши, шу сабабли қонунларнинг ижтимоий муносабатларда татбиқ этилиши ҳар доим долзарб саналаши асосланган.

Тадқиқотчи ҳуқуқ назарияси, қонунчилик ва амалий фаолиятда қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид «ҳуқуқ ҳаракати механизми», «ҳуқуқни ижро этиш механизми», «ҳуқуқни амалга ошириш механизми» каби атамалар қўлланилишини, ҳуқуқшунос олимлар томонидан «қонунни татбиқ этиш», «қонунни қўллаш», «қонунлар ижросини ташкил этиш», «қонунларга риоя этиш» каби мазмунан ва ўзаро алоқадор тушунча ҳамда категориялар ишлаб чиқилганлиги ва бу жараён муттасил давом этаётганлиги ҳақида хулосага келади.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар ўртасида тадқиқ этилаётган масалага нисбатан ягона ҳамда умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмаслигини, таҳлил

қилинаётган «хуқуқни ижро этиш механизми» тушунчаси таркибининг назария ва хуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда эса ушбу атама таърифининг мавжуд эмаслиги, унинг мазмуни ҳамда амал қилиш доираси (чегараси)ни аниқлаштириш имконини бермаслигини уқтиради.

Амалдаги қонун ҳужжатлари, хуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган ҳолда қонунларнинг ижросини таъминлаш механизмига таъсир кўрсатувчи ижтимоий, психологик, хуқуқий омиллар, қонунларнинг ижросини таъминлаш босқичлари ажратиб кўрсатилган. Мазкур босқичлар жараёни таҳлили натижаларига асосланган ҳолда қонунларни ижро этиш, уларни таъминлаш механизмининг муаллифлик таърифи, шунингдек унинг асосий босқичлари ҳақида илмий хулоса шакллантирилган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, улар илмий таҳлил қилинган. Диссертантнинг фикрича, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хослиги, энг аввало, уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг, *биринчидан*, бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигида, *иккинчидан*, улар жуда ҳам кенг маъно ва мазмунга эгалигида, *учинчидан*, уларни амалга ошириш ранг-баранг ва турли йўналишларда фаолият олиб бориш орқали таъминланишида, *тўртинчидан*, мазкур вазифа ва фаолият йўналишларини белгиловчи, уларнинг амалга оширилишини тартибга солувчи қонунларнинг кўплиги ва хилма-хиллигида, *бешинчидан*, жамият эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунларга жадал равишда кўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётганлигида, шунингдек бу соҳада янги қонунлар қабул қилинаётганлиги, ва ниҳоят *олтинчидан*, жамиятда очиклик, ошкоралик, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликка бўлган талабнинг кучайиб бораётганлигида намоён бўлади.

Диссертацияда ички ишлар органлари томонидан қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида, ижроси таъминланиши шарт бўлган қонунлар таҳлил қилинган ва тасниф-ланган.

Диссертант хуқуқ назарияси ҳамда ички ишлар органларида бошқарув назарияси таълимотларига, тадқиқот мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда ички ишлар органлари томонидан ижроси талаб қилинадиган қонунларни шартли равишда олти гуруҳга ажратиш мумкинлигини асослаб берган: *биринчидан*, ички ишлар органлари зиммасига вазифа ва функциялар юклашни талаб қилувчи; *иккинчидан*, ички ишлар органларининг асосий вазифаларини, фаолият йўналишларини, уни амалга оширишнинг асосий принциплари ва қоидаларини, уларнинг мажбурият ва хуқуқларини, айрим мажбурлов чоралари, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш асослари ҳамда тартибини, шунингдек хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ходимларнинг хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга оид асосий қоидаларни белгиловчи; *учинчидан*, ички ишлар органларининг алоҳида фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича асосий принцип ва қоидаларни, ваколатларини, шунингдек тартиби ва механизмларини белгиловчи; *тўртинчидан*, давлат органлари, шу жумладан, ички ишлар органлари фаолиятини амалга оширишда риоя этилиши шарт бўлган асосий принцип, қоида, тартиб ва механизмларни белгиловчи ҳамда талаб

қилувчи; *бешинчидан*, ички ишлар органлари, шу жумладан соҳавий хизматларига жисмоний ва юридик шахслар риоя этишларини текшириш ҳамда назорат қилиш ваколоти юклатилувчи; *олтинчидан*, жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этилишини текшириш ва назорат қилишда ички ишлар органлари иштирок этиши белгиланган, шунингдек аҳоли ўртасида мазмун-моҳияти тарғиб этилиши керак бўлган қонунлар.

Тадқиқотчи диссертацияда юқоридаги таҳлил ва тавсифлаш натижаларига асосланган ҳолда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий асосланган хулосани шакллантирган.

Диссертант томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ғоялари, юридик адабиётлар ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ғояларига асосланиб, ҳуқуқий мониторинг тушунчаси, принциплари, шакллари ва турлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар, ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш йўналишлари, уни амалга ошириш субъектлари ҳамда уларнинг бу соҳадаги ваколатлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органлари фаолиятидаги ютуқлар ва ижобий натижалар билан бир қаторда ҳанузгача ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ муайян муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги ҳамда уларни бартараф қилмасдан бу борада самарадорликка эришиб бўлмаслиги юзасидан хулосага келинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари таҳлили**» деб номланган бўлиб, унда ички ишлар органларида қонунлар ижросини ташкилий, ҳуқуқий таъминлаш механизмлари, шунингдек қонунлар ижросини таъминлаш соҳасига замонавий технологияларни жорий этишнинг бугунги ҳолати тадқиқ этилган ҳамда мазкур соҳадаги муаммолар аниқланган, таҳлил қилинган, шунингдек уларни ҳал этиш йўналишлари белгилаб берилган.

Диссертацияда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизми асослари яратилганлиги, қонунларни ижро этиш тизими жамият талабларига мос равишда такомиллаштириб борилаётганлиги, шунга қарамай, ички ишлар органлари тизимида қонунлар ижросини самарали таъминлашга тўсқинлик қилувчи объектив ва субъектив омиллар сақланиб қолаётганлиги уқтирилади. Тадқиқотчи *объектив омилларга*: а) қабул қилинаётган қонунларда уни ижро этиш механизми етарли даражада яратилмаганлиги; б) қонунларнинг ижро этилиши учун кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши зарурати мавжудлиги; в) қонунларни ижро этишга хизмат қилувчи маъмурий регламентларнинг мавжуд эмаслиги; г) ижрони ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун масъул бўлган таркибий тузилмалар фаолиятига замонавий электрон ахборот-коммуникация технологияларнинг тўлиқ жорий этилмаганлиги; *субъектив омилларга*: а) айрим ходимларнинг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг етарли эмаслиги; б) ижрони назорат қилишнинг эски ва самарасиз, хусусан қоғоз воситасидаги усулларнинг сақланиб келинаётганлиги; в) ижрони ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун масъул ходимларнинг махсус касбий билим ҳамда тажрибаси етарли эмаслигини киритади ва уларни таҳлил қилади.

Диссертацияда ички ишлар органлари яхлит тизим, яъни қонунлар ижросини таъминловчи алоҳида институт сифатида фаолият юритиши таҳлил этилган. Тадқиқотчи нуқтаи назаридан, ички ишлар органларида қарор қабул қилиш, яъни қонунлар ижросини таъминловчи субъектлар сирасига: *биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Ташкилий департамент, вазир ўринбосарлари – департамент бошлиғи сифатида; *иккинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва Ташкилий бошқарма бошлиқлари; *учинчидан*, туман, шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқарма (ИИОФМБ) бошлиқлари ва Ташкилий бўлимлар; *тўртинчидан*, бевосита қарорлар ижросини таъминловчи ходимлар – профилактика инспекторлари, инспекторлар, тезкор-қидирув ходимлари киради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда тадқиқотчи ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашга бевосита масъул бўлган тузилма мавжуд бўлиб, ички ишлар органлари вазифа ва функцияларига оид қонунлар ижросини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади, деган хулосага келади.

Диссертацияда ички ишлар органларида қонунларнинг ижро этиш механизмини таҳлил этиш, ҳуқуқий қоидаларнинг ижтимоий муносабат иштирокчилари хулқ-атворида мужассамланишини ўрганиш, бу борадаги ижобий ва салбий омилларни аниқлашда социология фани ютуқларидан фойдаланиш юксак самара бериши таъкидланади. Тадқиқотчининг фикрича, социологик тадқиқот усуллари хуқуқ соҳасига татбиқ этиш қонунларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммо ва камчиликларнинг ўз вақтида англаниши, аниқланиши ва бартараф этилишига ёрдам беради.

Ўтказилган социологик тадқиқотларда мутахассислардан жойлардаги ички ишлар органлари ходимларининг қабул қилинган қонунлардан хабардорлик даражасини қандай баҳолашлари сўралганида, уларнинг 10,7 фоизи – хабардор, 71,4 фоизи – қисман хабардор, 17,8 фоизи – хабардор эмас деб баҳолашган. Улардан ички ишлар органлари ходимларининг қабул қилинган қонунлардан хабардор эмаслиги ёки қисман хабардорлигининг асосий сабаблари сифатида, яъни 16,2 фоизи – ходимларнинг қонун билан тўғридан-тўғри ишламаслиги, 19,1 фоизи – қонуности ҳужжатлар мавжудлиги сабабли, қонунга мурожаат этмасликнинг мавжудлиги, 38,2 фоизи – амалиётда ходимлар мажбуриятларини бир-биридан кўриб бажариш ҳолатларининг мавжудлиги, 26,4 фоизи – бошқа фикрларни билдиришган<sup>4</sup>.

Тадқиқотчи фикрича, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг самарали таъминланиши: а) ички ишлар органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги; б) ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент, депутатлар, жамоатчилик назорати; в) ички ишлар органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг

---

<sup>4</sup> Анкета сўров натижалари диссертация илова қисмида ҳавола қилинади.

бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги (ҳамкорлиги); г) ички ишлар органларининг маҳаллий давлат вакиллик органлари, аҳоли олдида ҳисобдорлиги; д) ички ишлар органлари фаолияти бўйича тизимли мониторинг олиб бориш; е) ички ишлар органларининг фаолияти ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб борилишига боғлиқ.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини соҳага оид қонун ҳужжатлар ташкил этиши таъкидланади. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий негизини ташкил этишини уқтириб, унинг нормаларини тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда қуйидаги: а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, хусусан уларни таъминлашни талаб қилувчи; б) ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилишни таъминлашни талаб қилувчи; в) ички ишлар органларининг конституциявий тузумни ҳимоя қилишни, хусусан уларни таъминлашни талаб қилувчи; г) ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлашни талаб қилувчи; д) ички ишлар органларининг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашни талаб қилувчи; е) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашни талаб қилувчи гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилади.

Тадқиқотчи ички ишлар органларида туб ислохотларни амалга ошириш, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг халқчил ва замонавий механизмларини амалиётга жорий этиш: *биринчидан*, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзи ички ишлар органлари таркибий тузилмалари фаолияти билан жойларда бевосита танишиши, халқ ва ходимлар билан мулоқоти натижасида; *иккинчидан*, давлат раҳбари ташаббуси ва топшириғи билан ташкил этилган ишчи гуруҳ ва комиссиялар томонидан ҳақиқий аҳволнинг ўрганилиши натижасида; *учинчидан*, жисмоний ва юридик шахсларнинг Халқ қабулхоналари ва бошқа давлат органларига мурожаатлари таҳлили натижаларига кўра; *тўртинчидан*, ҳар йили Конституция қабул қилинганлиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирдаги, аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан ўтказиладиган учрашувлардаги маърузаларида, шунингдек Олий Мажлисга мурожаатномасида илгари сурилган ғояларига кўра; *бешинчидан*, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикри таҳлилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирлар орқали амалга оширилмоқда, деб ҳисоблайди.

Диссертант ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, уларнинг нормаларини бевосита қўллашни таъминловчи самарали механизмларни амалиётга жорий этиш асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ваколати доирасида таъминланмоқда, бироқ ички ишлар органлари, хусусан унинг муайян тизимида бундай амалиёт суғ даражада қўлланилмоқда, деган хулосага келади.

Ишнинг учинчи боби «**Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари**»га бағишланган бўлиб, унда қонунлар ижросини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, ички

ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида бир қатор хорижий давлатлар, хусусан Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Франция, Япония, Россия Федерацияси, Грузия Республикаси полицияларининг фаолияти ўрганилган ҳамда ижобий тажрибаларни миллий тизимга татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган.

Диссертант хорижий мамлакатлар полиция тизимида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг таҳлили асосида, унга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжудлигини таъкидлайди. Буларга давлат бошқарув шакли, мамлакат ҳуқуқий тизими, полиция бошқаруви, полиция ва жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги, ходимларнинг малакаси, касбий-ҳуқуқий маданияти ва бошқалар мисол бўла олади.

Тадқиқот иши доирасида ривожланган хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, айнан полиция тизимида қонунларнинг ижро этилиши механизми, полиция ходимлари ва фуқароларнинг ўзаро муносабати полиция фаолияти устидан жамоатчилик назорати масалаларини ўрганиш натижасида қонунларнинг ижросини самарали таъминлаш масаласида ривожланган мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан полиция хизматлари муайян принциплар асосида фаолият кўрсатиши таъминланганлиги аниқланган.

Тадқиқотчининг фикрича, *биринчидан*, полиция органлари ўз фаолиятида қонунийлик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, демократия, ошкоралик каби муҳим принципларни амалда таъминламоқда; *иккинчидан*, баъзи давлатлар полиция хизматларида қонунлар ижросини самарали таъминлаш механизми, хусусан аҳолини мамлакат қонунларига итоат руҳида тарбиялаш, қолаверса полиция хизматларида ҳам қонун устуворлиги турлича йўллар (маъмурий регламент), усуллар билан таъминланади; *учинчидан*, Германия Федератив Республикасида фуқаролар жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланишидан полиция билан бир қаторда манфаатдордир. Уларда жамият ҳаётида қонун нормаларининг бекаму-кўст амал қилиши бирламчи бўлиб ҳисобланади; *тўртинчидан*, хорижий мамлакатлар полиция тизимида қонунлар ижросини таъминлаш бўйича ягона андоза мавжуд эмас.

Диссертант ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда, унинг давлат тузуми, тузилиши, сиёсий анъаналари, халқининг урф-одатларига мос равишда қонунлар ижросини таъминлаш бўйича муайян бир механизм шаклланган деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштириш мамлакат миқёсида кенг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чораларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Бу тизим фаолиятига оид қонунлар ижросини самарали таъминлашга хизмат қиладиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришни, мазкур соҳага янги инновацион технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишни жадаллаштиришни талаб этади.

Диссертантнинг фикрича, глобаллашув шароитида қонунлар ижросини таъминлаш механизмларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари барча мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида долзарб муаммолардан бири бўлиб



бораётганлигига қарамай, қонунлар ижросини таъминлашнинг асосий субъекти бўлган ички ишлар органлари (полиция)нинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этишда яхлит механизмга асосланган мақбул ёндашув шаклланмаган.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатлар (Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Франция, Швейцария, Австрия, Испания, Янги Зеландия, Латвия, Россия Федерацияси, Беларус Республикаси, Қозоғистон Республикаси) қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётига доир илғор тажрибалари, олимларнинг бу борадаги нуқтаи назарлари, соҳа мутахассисларининг фикри (72,6 фоиз), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратиш ҳақидаги талабларига таяниб, *биринчидан*, қонунлар ижросини таъминлашнинг механизми назарда тутилган маъмурий регламент ишлаб чиқилиши, унда бошқарув қарор қабул қилиш ваколат доирасини, уни амалга ошириш тартибини белгилаш; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунида маъмурий регламентни ёки унга мос нормани киритиш; *учинчидан*, маъмурий регламентни амалга оширишнинг электрон тизимини яратиш; *тўртинчидан*, мазкур соҳада алоҳида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш истиқболда қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, ички ишлар органлари тизимида маъмурий регламентнинг жорий этилиши: а) қонун нормалари, шунингдек нормаларнинг таркибий элементи бўлган қоидаларни жамият ҳаётида тўлиқ татбиқ этишга; б) қонунларни ижро этишнинг принциплари, шакллари ва усуллари, асосий босқичларини, уни амалга оширувчи субъектларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилашга; в) жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибларига риоя этилиши устидан назорат қилиш; г) улар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқотда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ва изчил чора-тадбирларнинг куйидаги йўналишларда амалга оширилиши асослаб берилган: *биринчидан*, тизимда бошқарувни оптималлаштириш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вазифаларга барҳам бериш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва автоматлаштириш, хизмат кўрсатувчи субъектларни халққа яқинлаштириш; *иккинчидан*, ички ишлар органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни, ҳисобдорликни, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)ни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш; *учинчидан*, фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш, мавжуд қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига максимал даражада мослаштириш, қонуности ҳужжатларни инвентаризация қилиш ва уларнинг сонини кескин қисқартириш; *тўртинчидан*, қонунлар ижросини кадрлар, моддий-техник ва ахборот-коммуникация технологик таъминлаш механизмларини такомиллаштириш; *бешинчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш орқали ҳал этиш.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган:

**I. Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар:**

1. Соҳага оид қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини, юридик манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари таклиф этилди:

*қонунларни ижро этиши* – норматив ҳужжатларда назарда тутилган масъул субъектлар томонидан белгиланган ваколатлар доирасида қонун нормаларининг жамиятда мукамал амал қилишини ташкилий, ҳуқуқий, моддий-техник, ахборот-технологик ва кадрлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни тизимли амалга оширишдир;

